● *Тарбия масканларида*

# БОҒЧАДА МАКТАБ САБОҚЛАРИ

— Санжар, нима учун етти ёшга тўлсанг ҳам боғчага қатнаяпсан, ахир бу ёшда аллақачон мактабда ўқиётган бўлишинг керакку, — сўраб қолди ундан қўшниси Алишер.

— Мен сен айтганингдек ўқияпман ҳам, аммо боғчада, — жавоб қилди унга Санжар.

— Ие, шунақаси ҳам бўлар эканми?

— Албатта, боғчамизда иқтидорли болалар ва лицей гуруҳлари очилган.

Бу суҳбат Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 455-«Роҳат» бошланғич тарбия муассасаси ҳақида кетяпти. Ҳайрон бўлаётгандирсиз бу қандай муассаса экан деб, ҳақиқатан ҳам «Бошланғич тарбия муассасаси» номли таълим маскани биз учун ҳали янгилик, зеро у республикамизда ягона бўлиб, ҳозирда тажриба ўтказиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг доимий диққат-эътиборидадир. Бу тарбия муассасасида иккита беш ёшли иқтидорли болалар гуруҳи, иккита 6 ёшли ва битта 7 ёшли лицей синф мавжуд. Қизиғи шундаки, иқтидорли гуруҳга болалар тест синовлари асосида танлаб олинади. Бир йил ўтгач 1-лицей синфида ўқишни бошлашади. Уни тугатгач болалар яна тест синовидан ўтишади ва улардан энг иқтидорлилари танлаб олиниб битта лицей синф ташкил қилинади. Шу аснода бола ўқишни 10ёшгача давом эттириб, сўнгра ўрта мактабнинг 5-иқтидорли синфига қабул қилинади. Ваҳоланки, оддий синфда ўқиган бола 10 ёшида 4-синфга бориши керак, демак, биз сўз юритаётган таълим муассасаси ўқувчиси ўз тенгдошларидан билим олишда бир йил олдинга чиқиб олади. Тўрт йиллик ўқув дастури уч йилда ўзлаштирилади.

Четдан қараганда бу ердаги тарбия ва ўқув дастури бошқа болалар муассасалариникидан деярли фарқ қилмайди: электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш, одобнома, инглиз тилидан сабоқлар берилади. Лекин иқтисод сабоғидан иқтисод фанлари номзоди, доцент Асадулла Алимов, жисмоний тарбиядан спорт устаси Юрий Волков, шарқ яккакураш — таэквондодан қора белбоғ соҳиби Марианна Бубнова, миллий рақс сабоғидан «Шодлик» ашула ва рақс дастасининг раққосаси Лола Юсуповаларнинг таҳсил бериши бу ерда жамоанинг ўз вазифасига жиддий ёндошганини кўрсатади.

«Бошланғич тарбия муассасаси»нинг афзаллик томони бу ердаги таълим-тарбия жараёнининнинг ҳозирги замон талабига жавоб беришидир,. Бирнчидан, лицей синфида болалар куннинг биринчи ярмида ўқув машғулотлари билан банд бўлишса, иккинчи ярмида туман болалар ижодиёти марказининг ёрдами асосида «Моҳир қўллар» тўгарагида амалий сабоқ олишади. Иккинчи афзаллиги шундаки, бу ерда тарбияланувчи оладиган билимнинг сифати юқори бўлади, ҳозирда 1-лицей синфининг болалари бир дақиқада 75 та сўзгача ўқий олишади. Бундан ташқари «Бошланғич тарбия муассасаси»ни битирган бола инглиз тилида бемалол сўзлашади, компьютер билан мулоқот қила олади. Бир сўз билан айтганда бу ерда жаҳон талаблари даражасида болаларга таълим-тарбия беришга интилиш кучли.

**Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.**

# ҚЎҒИРЧОҚДАН ГАЗЕТА АФЗАЛ

Қўшнимиз Солиҳа опаларникига чиқиб кетаётгандим, сингилчам Адиба ортимдан эргашди. Солиҳа опанинг ҳам синглим тенги қизчаси бор, биргалашиб бироз ўйнашди. Қўшни қизнинг тугмасини босса ўзи юриб, рақсга тушадиган қўғирчоғи бор экан. Синглим шу қўғирчоқни жуда ёқтириб қолди. Нархини суриштирсам, 450 сўм тураркан.

Хайрлашиб уйга чиқдик ҳамки, синглимнинг оғзидан ҳалиги қўғирчоқ тушмади. Дадам ишдан келишлари билан хархашани бошлаб юборди.

— Хай майли, ҳадемай туғилган кунинг келяпти, битта қўғирчоқ мендан, — кўна қолдилар дадам осонгина. Синглимнинг қувончи ичига сиғмай кетди.

Ўз хонамизга чиққач, Адибани ёнимга чақирдим-да, секин сўз бошладим:

— Мана, сен ҳам кап-катта қиз бўлиб қолдинг, бу йил мактабга чиқасан. Энди ўқишни ўрганишинг керак. Шунинг учун биргалашиб дадамга айтсак, қўғирчоқнинг ўрнига бизни 1996 йил учун «Тонг юлдузи» газетасига обуна қилсалар. Ўйлаб кўргин, биргина қўғирчоқнинг ярим баҳосига йил давомида газета ўқиймиз. Биласанми, бу газетада жуда кўплаб қизиқарли ҳикоялар, қувноқ шеърлар босилади. Мен уларни сенга ўқиб бераман. Ҳарфларни таниб олгач, ўзинг ҳам бемалол ўқийверасан, Қизиқарли расмларини томоша қиласан, Қўғирчоқни нима қиласан? Қара, бир жавон қўғирчоғинг ётибди. Бирининг оёғи узилган, иккинчисининг кийими йўқ. Шунча пулга олдирасан-да, ҳадемай у ҳам худди шу аҳволга тушади-қўяди. Аввал боғда қошларини чимириб турган синглимнинг чеҳраси ёришиб кетди:

— Эртаклар ҳам ўқиб берасиз-а?

— Албатта ўқиб бераман. Бу таклифимиз дадамга ҳам маъқул бўлди. Шундай қилиб, опа-сингил қўғирчоқ ўйнамай, йил давомида мириқиб газета ўқийдиган бўлдик.



**Ирода УМАРОВА,**
**Чирчиқ шаҳридаги 12-мактаб ўқувчиси.**

**ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:**

**Обуна баҳоси якка обуначилар учун:**
**бир йилга 208 сўм, 80 тийин,**
**олти ойга 104 сўм, 40 тийин.**
**Ташкилотлар учун:**
**бир йилга 312 сўм,**
**олти ойга 156 сўм.**
**Индексимиз:**
**Якка обуначилар учун: 64563**
**Ташкилотлар учун: 64579**



# ДАРДГА ДАРМОН МЕВАЛАР

— Қани, айтинг дугонажон, бу қандай мева?

— Узум. Сахий кузимиз неъматларидан. Унинг ҳар бир донаси, яъни ғужуми сиртдан пўст билан ўралган. Пўсти остида ширин, серсув эти бор, унияи орасида бир нечта уруғи бўлади. Узбекистонимизда ғужумининг йирик ёки майдалиги, шакли, ранги, таъми ҳар хил бўлган ҳосил берувчи ток ўстирилади. Узумда одам ҳаёти учун муҳим бўлган модда — шакар жуда кўп.

— Баракалла ўртоқжон. Жонажон юртимиз мевалари ҳақида анчагина нарса билар экансиз. Энди саволингизни айтинг?

— Мана, сават тўла сархил мева. Уларнинг таърифини қилсангиз, биздан сизга совға бўлсин.

— Олма, нок, беҳи, анор, ёнғоқдир, тарифига сўзим камдир, бари минг дардга дармон.

Тошкентдаги тамаки фабрикасига қарашли боғча-яслида бўлиб ўтган «Ҳосил байрами» тантаналари юқоридаги сингари савол-жавоблар билан бошланди. Байрамга боғчадаги ҳар бир кичкинтой алоҳида тайёргарлик билан келишди. Айниқса улар ижросидаги «Куз қўшиғи», «Полизда», «Тинчлик қўшиғи», «Олтин япроқлар», «Пахта ва япроқлар» сингари ашула ва рақслар барча»га маъқул бўлди. Тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Мая опа Каримова раҳбарлигидаги болалар, кичик гуруҳ жажжилари биргаликда саҳналаштирган ўрмон жониворлари ҳақидаги пьеса ўзининг қизиқарли эканлиги билан ажралиб турди. Маросимга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам томоша кўриб, ҳам ширин-шакар куз меваларидан тотиб ҳузур қилишди.

**Суратларда: «Ҳосил байрами»дан лавҳалар.**
**Суратлар Р. АЛЬБЕКОВники.**

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

**ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!**

**Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!**

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!**

Ғазета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

## • БОҒЧАМ — ОВУНАР ЖОЙИМ

### МЕН СИЗГА АЙТСАМ, АММАЖОН

Боғчадан келган Наргизанинг кўзи аммажониси Меҳри опага тушиб қувониб кетди. Ахир унинг боғчаси ҳақидаги узундан узоқ ахборотларни эринмай тинглайдиган ягона киши шу — аммаси-да.

— Мен боғчада қоғоздан қутича ясашни ўрганиб олдим, мана бу сизга.

— Вой, муңча чиройли, ўзинг ясадингми?

— Ўзим, ўзим, боғча опам ёрдам бердилар, яна улар тугма қадашни, қўғирчоқнинг сочини ўришни, нон ясашни ҳам ўргатдилар.

— Сенинг боғчанг жуда зўр экан-ку, овқат ҳам ейсизларми?

— Мана шунча овқатланамиз,— деди у беш бармоғини кўрсатиб,— жуда ширин, худди ойимлар пиширганга ўхшайди.

— Яна нима ўрганасизлар?

— Ашула айтамиз, ўйинга тушамиз, яна-чи, инглиз тилини ўрганамиз.

— Эртага боғчага бормай қўя қол, мен билан бирга ўтирасан?

Наргиза ўйлаб қолди. Кейин: «Аммажон, сиз кетмай туринг, боғчамга яна бир кун борай, кейин сизга кўп гапириб бераман,— деди мушкул аҳволнинг йўлини топгандай.

Меҳри опа кулди. «Яхшиси, сени кутиб ўтираман»— деди жиянини қучиб.

### ЙИҒЛАМАСАНГ-ЧИ, ҚИЗ БОЛА!

Бу сўзлар онасининг этакларидан тортқилаб «бормайман, бормайман» деб йиғлаб кетаётган Дониёрни ҳушёр торттирди, хархаша қилишдан тўхтаб, зимдан гап эгасига қаради. «Вой тирранча-ей, сенмидинг» деди ичида шахдам қадам ташлаб кетаётган ўзи тенги болага кўзи тушиб.

— Мана кўрасан, боғчамиз шунақанги яхшики... ўйинчоқлар жуда кўп,— давом этди овоз эгаси.

Боласининг инжиқлигидан юраги увишиб кетаётган онасининг кўнгли ёришиб дадилланди. Ҳатто ўғлини боғчага ташлаб қайтаётганда ҳам хотиржам эди.

Орадан уч-тўрт ой ўтгач эса жигаргўшасининг бир оз тўлишиб, гап-сўзларида дадиллик пайдо бўлгани, аввалги инжиқлиги, бўшбаёвлигидан асар ҳам қолмаганидан яна ҳам хурсанд бўлди.

### КАСАЛЛИК ЯШИРИНОЛМАДИ

Боғча ҳамширасини кичик гуруҳ тарбиячиси сабрсизлик билан кутиб турарди.

— Боламга бир қараб қўйсангиз, кеча кечқурундан бери иштаҳаси кам, ўйинга ҳам хуши йўқ...

Ҳамшира боланинг ўпка, юрагини «эшитди», томоқларини синчиклаб кўздан кечирди. Сўнг зудлик билан қонини лаборатория кўригидан ўтказиш зарурлигини айтди. Улар боланинг онасига қўнғироқ қилишди...

Орадан бир ҳафта ўтгач, кичкинтойнинг онаси боғчага келди.

— Сизларга ташаккур айтгани келдим,— деди у.— Боламда касаллик бошланаётган экан, шифокорлар менга раҳмат айтишди. Бошқа болаларга касал юқишини олдини олган эмишман.

### ДУШАНБЕДА ТУҒИЛГАН ОРЗУ

Биз юқорида Ибодат опа Акромова раҳбарлик қилаётган Шарғун шаҳридаги «Лола» болалар боғчаси ҳаётидан баъзи бир лавҳалар келтирдик. Ибодат опа, ўша, Душанбе давлат дорилфунунидаги талабалик кезлари бир орзу билан яшарди. Яъни бир боғчаси бўлса-ю, унда ўзи тарбиялаётган болалар соғлом, ҳар томонлама етук. Ва, яна хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган бўлиб етишишса.

Яхши ният — ярим давлат, деганларидек, 1989 йилда янги ўқишни битириб келган Ибодат Акромовага «Лола» болалар боғчасини ишониб топширишди. Очилганига энди икки йил бўлган кичкинтойлар масканида камчиликлар анчагина эди. Мудира елиб-югуриб, бўлмаганни бўлдирди. Бу юмушда унга туман ҳокимлиги, 2-механизациялашган кўчма колонна мутасаддилари ёрдам қўлларини чўзишди. Тарбиячилардан Раъно Шукурова, Сунбула Эшонқуловалар ҳам мудиранинг қанотига киришди. Ҳозир боғчада 2 та гуруҳда 280 нафар жажжилар тарбияланмоқда. 18 та тарбиячи болаларга жонкуярлик билан қарашяпти.

Яқинда Ибодат Акромованинг Душанбедаги яна бир орзуси рўёбга чиқди. Боғчада инглиз тилини ўрганиш гуруҳи очилди. Ахир гўдакликдаги сабоқ бола ёдида тошга ёзилган каби ўчмайди-да.

**Сайриддин ХОЛОВ.**

## • Ҳуқуқингизни биласизми?

### АКА-УКА ЗЎРАВОНЛАР

Собир ва Искандар Раҳимовлар аҳил ака-укалар. Уларга мактабда ҳам, маҳаллада ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Шу йилнинг эрта баҳорида бўлиб ўтган воқеадан сўнг уларга ҳеч ким ҳавас қилмай қўйди. Аксинча... Воқеа бундай бўлган эди. Ўша куни тонг қоронғусида, улар тенги болалар иссиқ ўринларида ухлаб ётишган бир пайтда ака-ука Собир ва Искандарлар кўчада изғиб юришарди. Ғузор туманидаги «Мол бозорида» ҳўкизини сотиб қайтаётган Ғани Ҳамроевнинг йўлини тўсишди. Бирор кимсани тунаб, меҳнатсиз даромад орттириш ниятидаги «зўравонлар» қабиҳ ниятларини амалга оширишди. Собир қўлидаги қирқма милтиғи учини йўловчининг иягига тиради. Р.Ҳамроев қаттиқ қўрқиб кеттанидан ҳамёнидаги бор пулини Искардарга тутди. Икки зўравон режани «қойил» қилиб, жуфтакни ростламоқчи бўлиб туришганида сезгир милиция ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Энди «олғир» ака-укалар турли муддатга қамоқ жазосини ўтайдиган бўлишди.

### ЎҒРИГИНА БОЛАМ

Унинг кўзлари бежо жовдирар, терговчининг саволларига «ҳа» ёки «йўқ» дея лоқайдгина жавоб қайтарарди. Ота-онаси уни ўнга суюб Ойбек деб исм қўйгандилар, умидлари катта эди ундан. Афсус! Ўн олти ёшга тўлар-тўлмай жиноятга қўл урди. Шу йилнинг 4 февраль куни ўзи туғилиб ўсган Яккабоғ туманидаги Шаманқирғиз қишлоғида яшовчи Ойдин Тўраеванинг хонадонига ўғирликка кириб, 6 дона сочиқ, 3 дона пиёла, 1 дона термос 1 та гилам, жаъми 1638 сўмлик буюмларни ўғирлаб кетади. Уларни бозорда арзон-гаровга пуллаб юборади. Чўнтаги пулдан қаппайган Ойбек босар-тусарини билмай қолади. Қилган жиноятини ҳеч ким пайқамагач, у яна ўғирликка қўл уради. Ҳамқишлоғи Ж.Содиқовнинг хонадонига кириб, у ердан 2650 сўмлик буюмлар: чарм сумка, жемпер, электрон ҳисоблагич машина ва бошқа шу каби буюмларини «гумдон» қилади. Аммо бу гал ови бароридан келмайди. Милиция ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинади.

Мана, Ойбек ўз қилмишига яраша жазо олиб, темир панжара ортида ўтирибди. Онаизор оҳ уради. «Ўғригина болам-а, нималар қилиб қўйдинг?»

### КАРТОШКА ЎМАРГАНЛАР

Нодир Рўзиев ўртоқлари Сарвар Шодмонов, Норқизил Турдиев ва Рустам Рўзиевлар билан мактабдан қайтишарди.

— Улаш Қоровулнинг картошкалари зап етилибди-да, — деди Нодир тепаликдаги чайлага ишора қилиб. — Бугун бир овга чиқмаймизми?

Тўрт оғайни гапни бир жойга қўйиб, тун оғиши билан тупроқ йўл бўйлаб чайлага етиб келишди. Лой супачада дала қоровуллари Улаш ва Мамат Бозоровлар гурунглашиб ўтиришарди. Тўсатдан қора калхатдай ёпирилган тунги меҳмонлар уларни шоshiриб қўйди. Устма-уст тушаётган калтак зарбидан инграшарди. Қоровуллар ҳолдан тойиб, ерга чўзилиб қолишгач: тўртовлон чайла ёнидаги картошка уюмидан халталарига сиққунча тўлдириб, воқеа жойидан жуфтакни ростлаб қолишди.

Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан Қамаши тумани, Оқработ жамоа хўжалигидаги Майна қишлоғида яшовчи картошка ўғрилари қўлга олиндилар.

### ИСНОД

Гулбаҳор Султонова Нишон туманида яшайди. У ҳамқишлоғи Бўрихон Жумаеваникига ўғирликка тушди. Хона бурчагидаги сандиқни очганди, ялтироқ матодан тикилган аёллар кўйлаги ял-ял товланиб, кўзини қамаштирди. Гулбаҳор уни дарҳол қўлтиққа урди. Сўнгра сандиқни яна титкилаб 400 сўм пул топиб олди. Уни ҳам чаққонгина ҳамёнга жойлади. Хонадан чиқишда битта аёллар лозимини ҳам қўшиб олди. Юраги ҳаприқиб, ўзини эшикка урди. Кутилмаганда уй соҳибасига дуч келиб, нақ ўтакаси ёрилиб кетаёзди. Ўғри қиз ўз оёғидан илинди. Қилмишига яраша жазосини олди, шартли равишда озодликдан маҳрум этилди. Энг ачинарлиси, Гулбаҳор деган чиройли исми ёнига «ўғри» деган тамға муҳрланди.

### БАРИБИР «ЎҒРИ» ДЕЙИШАДИ

Ёқуб Сайфуллаев Ғузор туманидаги Тожик қишлоғида яшайди. У оилада назоратсиз улғайди. Ота-онаси унинг қинғир ишларига бепарво қарашди. Мактаб жамоатчилиги ҳам эътиборсизлик қилди. Натижага ўсмир жиноятга қўл урди. Мактаб буфетидан 1045 сўмлик турли нарсаларни ўғирлаб, жиноий жавобгарликка тортилди. Қўлга тушган Ёқубжонни суҳбатга тортамиз:

— Ёқуб неча ёшдасан?

— Ўн тўртда.

— Бобур ўн тўрт ёшида подшо бўлганлигини биласанми?

— Йўқ, ким ўзи у?

— Қанақа китоблар ўқигансан?

— Китоб варақласам, тобим қочади. Ёмон кўраман.

— Қайси мактабда ўқийсан?

— Чори Авазда.

— Чори Авазнинг кимлигини биласанми?

— Қаёқдан билай.

— Мактаб буфетидан ўғирлаган нарсаларингни нима қилмоқчи эдинг?

— Сотиб, пулига мопед олмоқчи эдим.

— Қилган ишингдан пушаймонмисан? Яна ўғирлик қиласанми?

— Билмадим, қилсам керак. Чунки ўғирлик қилишни яхши кўраман. Барибир энди болалар мени «ўғри» дейишади.

Азиз болалар! Халқимизда «Қилмиш-қидирмиш» деган хўп топиб айтилган нақл бор. Жиноятнинг катта-кичиги йўқ. Унга қўл урган одам қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Ўзлари билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган айрим тенгдошларингиз ҳаётидан лавҳалар ўқидингиз. Улар жуда ёш бўла туриб чиройли исмлари ёнига ўғри, зўравон, талончи деган доғни муҳрладилар. Қора курсида ўтириб, қилмишларига пушаймон бўляптилар. Ота-оналарининг тўккан кўз ёшларини айтмайсизми?!

Бу лавҳаларимизни ўқиб фикрлаш, мушоҳада юритиш, хулосалар чиқариш сиздан, азиз ўқувчилар. Барча имкониятларнинг калити сизнинг қўлингизда. Фурсатни бой берманг!

**Ў. ҲАЙДАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири.**
**Б. АЛИҚУЛОВ,**
**шу бошқарманинг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаси катта нозири, милиция майори.**

# Пайғамбарнинг қош чимиргани

Мусулмончиликнинг илоҳий қомуси — «Қуръон»да «Абаса» деган сура бор. Бунинг маъноси «Қош чимирди», демакдир. Ушбу китобнинг таржимони, билимдон олим Аловуддин Мансур бу суранинг нозил бўлиш боисининг изоҳини ҳам келтириб ўтганлар. Ривоят қилинишича, бир куни пайғамбар алайҳиссалом Қурайш зодагонларидан бир гуруҳини Исломга даъват қилиб турганларида олдиларига Абдуллоҳ ибн умми Мактум исмли кўзлари ожиз бир одам келиб, бир неча бор: «Ё Расулуллоҳ, менга Оллоҳ сизга билдирган нарсалардан таълим беринг», — деб такрорлади. У киши аъмо, яъни кўр бўлганлигидан пайғамбаримизнинг бошқалар билан банд эканликларини сезмаган эди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳалиги Қурайш катталари мусулмончиликни қабул қилишса, уларга бошқалар ҳам эргашади, деган умид билан берилиб сўзлаганликлари сабабли мана шу пайтда Абдуллоҳ ибн умми Мактум келиб сўзларини бўлганидан аччиқланиб, қовоқларини солдилар ва у кишига орқа ўгириб, қурайшликлар билан сўзлашишда давом этдилар. Шунда Оллоҳ-таолодан: «Пайғамбар ўзининг олдига кўзи ожиз киши келганида қош чимирди ва юз ўгирди. Эй Муҳаммад, сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у сиздан ўрганадиган илму маърифат ёрдамида ўз гуноҳларидан покланар? Сиз Оллоҳдан қўрқиб олдингизга келган зотдан юз ўгириб олмоқдасиз. Йўқ, сиз асло бундай қилманг!» — деган оятлар нозил бўлди. Муҳаммад алайҳиссалом бу ҳол учун яратганга истиғфор айтди ва кейин қачон Абдуллоҳ ибн умми Мактумни кўрганда «Марҳабо!» — деб унга пешвоз чиқадиган бўлди.

Қаранг-а, олдига келган одамга бир марта қош чимирганига шунча дашном, шунча панд-насиҳат, шунча ибрат.

## ВАҲИЙНИНГ БОШИ: «ЎҚИ!»

Пайғамбарликнинг ибтидоси — ваҳийдандир. Ваҳий дегани илоҳий буйруқ, хитоб демакдир. Муҳаммад алайҳиссаломга қирқ ёшида шундай муборак илҳом — ваҳий зоҳир бўлди. Ваҳийнинг бошланиши рамазон ойининг еттинчи кунига тўғри келди. Шу кунларда пайғамбаримиз Ҳиро тоғининг бир ғорида ибодатга машғул эдилар. Фариштаварнинг улуғи Жаброил алайҳиссалом одам суратида кўриниб, пайғамбаримизга қараб: «Ўқи», — дедилар. Муҳаммад алайҳиссалом: «Нимани ўқийман, мен онадан туғма ўқиш-ёзишни билмайман», — дедилар. Шунда Жаброил уни қучоқлаб олди ва сиқиб туриб яна: «Ўқи!»—дедилар, бу сўзни уч марта такрорладилар. Кейин: «Барча мавжудотни яратган парвардигоринг номи билан — ўқи! У инсонни лахта қондан вужудга келтирди. Ўқи! Карами кенг парвардигор инсонга қаламни, хатни ўргатди ва билмаган нарсаларини билдирди», — деди. Яратган Оллоҳнинг ваҳийси, илҳомлантирувчи кучи — қудрати бўлган бу илоҳий хитоб «Қуръони Карим»нинг илк оятлари бўлиб қолди.

Ҳа, фақат пайғамбарликнинггина эмас, одамликнинг ҳам ибтидоси шу: Ўқи, эй, инсон, оқ-қорани тани, оламни бил, ҳақ-ҳидоят йўлини ўрган, билим ол, жаҳолатни қув, эзгуликка хизмат қил. Ўқи!

## СУЛАЙМОН ВА БАЛҚИС ҚИССАСИ

Бир вақтлар бутун ер юзининг яккаю ягона бир подшоси, жами жондорлар ва инсу жинслар, девлар, парилар ҳукмдори бўлмиш Сулаймон пайғамбарнинг тахти тепасида қушлар соя солиб туришарди. Бир кун унинг тахтига бир парча офтоб нури тушди. Сулаймон тепага қараб ҳудҳуд, яъни попишакнинг ўз ўрнида йўқлигини кўрди ва бундан қаттиқ ғазабланди, ҳали келса жазолайман, деб қўйди. Бу пайтда ҳудҳуд сув ахтариб бир тоғнинг устига чиқиб, бошқа бир попишакни кўриб ундан қаердан эканлигини сўраётган пайти эди. У попишак Сабаъ деган вилоятдан эканлигини, у ерда Балқис деган аёл подшолик қилишини айтди. Шунда Сулаймоннинг попишаги ўша вилоятга учиб бориб, Балқис подшонинг саройини кўрди.



Ниҳоятда кўркам, маҳобатли саройда дунёда гўзалликда тенги йўқ бир қиз олтиндан ясалган, зумраду забаржадлар билан безатилган тахтда ўтирарди. Тахт ўрнатилган баланд қуббадор бинонинг тепасида олтмишта туйнук бўлиб, у ердан тушган қуёш нури гавҳару ёқут тошларда жило қилар, Балқис подшо ана шу нурларга сажда қиларди. Попишак буни кўрди, кейин бориб ҳаммасини Сулаймон подшоҳга етказди. Сулаймон Балқисга «Яратганнинг изми билан менга бўйсун, ягона тангрига сиғин», — деган мазмунда мактуб битиб, яна попишакдан бериб юборди. Пупишак бу хатни Балқис ухлаб ётган пайтда унинг

● Тарбия чироқлари

кўкрагига аста қўйди, подшо қиз уйғониб Сулаймоннинг мактубини ўқиди ҳамда аъёнлари билан кенгашиб, унга қимматбаҳо совға-саломлар юборди, булар орасида бир қанча гавҳар, зумрад тошлар, биллурий қадаҳлар бор эди. Яна ўн беш қизу ўн беш йигитни бир хилда эркак либосида кийинтирди ва буларнинг барчасини отларга миндириб юборди. Совға-салом билан бир мактуб ҳам юборди, унда Сулаймонга хитобан шундай дейилган эди: «Агар сен пайғамбар бўлсанг, аввало мана бу инжуларни қўл тегизмасдан теш, кейин тешилган инжуларга қўл тегизмасдан ип ўтказ. Яна — ушбу биллурий қадаҳларни шундай сув билан тўлдирки, у сув ердан ҳам чиққан бўлмасин, осмондан ҳам тушган бўлмасин. Яна — ушбу ўғлонларнинг қайси бири ўғил болаю қайсиси қиз эканлигини қўл тегизмай айтиб бер, ана шунда сенинг пайғамбарлигингни тан олиб, динингга кираман».

Сулаймон пайғамбар ушбу мактубни олдию, бу ишларни инсон қўли тегмасдан қандай бажариш мумкинлигини ўйлаб, тараддудда қолди. Шунда яратганнинг изми билан ҳар қандай қаттиқ ёғочни теша оладиган қурт келиб инжуларни тешди, ипак қурти келиб ипга тизди. Отларни чоптириб, улардан чак-чак оққан тердан қадаҳларни тўлдирдилар, бу билан ердан ҳам чиқмаган, кўкдан ҳам тушмаган сув деган шарт бажарилди. Яна — бир хилда эркакча кийинганларнинг қайси бири йигиту қайси бири қизлигини билиш учун улардан қўлларни ювиш учун сув қуйишларини сўрадилар. Сувни оз қуйганларни ўғил бола дедилар, кўп қуйганларни қиз бола дедилар — бу ҳам аниқланди. Шундай қилиб барча шартлар бажарилгач, Балқис подшоҳ Сулаймон пайғамбарга тан берди ва ягона тангрига сажда қилди. Сулаймон пайғамбар тўю томошалар қилиб, унга уйланди.

Менинг раҳматли падари бузрукворим — Қўқон ва Бухоро диний мадрасаларини тугатган Мулло Худойқул аълам — биз — ўғилларига дин ва қадим хусусида кам гапирар, «Вақтики келиб, керак бўлганда ўзларингиз билиб оласизлар», — деб қўярдилар. Аммо дадамларнинг «Қадимда бизнинг Балқис деган онамиз ўтганлар, кўп оқила, билимдон аёл бўлганлар», деганларини эшитиб қолардим. Кошки, ўша пайтларда бу гапларнинг қадрига етиб, батафсил сўраб қолсам?.. Мана, ҳозирга келиб, падаримиз айтган «вақти-соати» етиб, Балқисдай оқила, олима инсон ҳақида ўқиб биляпмиз.

## «МУҲАББАТСИЗ ҲЕЧ ИШ ВУЖУДГА КЕЛМАС»

Муҳаммад алайҳиссаломнинг умриларининг охирларида ҳазрати Али у кишидан ўз қилган ишлари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилди. Шунда Расулуллоҳ: «Маърифат — менинг сармоямдир, динимнинг асли ақлдир. Ишимнинг асоси — муҳаббатдир. Муҳаббатсиз ҳеч иш вужудга келмас. Қуролим — илмдир, илмсиз амални Оллоҳ-таоло қабул қилмас. Сабр — менинг либосимдир. Сабрсиз имон камолга етмас. Касбим — жиҳоддир. Бундан қочганлар хорликка қолгайлар. Ҳамроҳим — худо ёдидир. Ҳунарим — дунёни тарк этишдир. Бойлигим — худо зикридир. Кўзим нури, кўнглим чироғи — намоздир. Фақирлигимга фахрим бордир. Ғаним — умматим учундир. Шавқим яратганнинг дийдорини кўришдир», — дедилар.

Оламдан ўтган энг пок, иймон-эътиқодли инсон — Муҳаммад алайҳиссаломнинг бу сўзлари ибрат манбаи, саодат ўлчовидирки, бу йўлга бел боғлаганларга Оллоҳтаоло куч-қудрат бергай ва ушбу сўзларни ёзиб ўтган бобомиз Алихонтўра Соғунийнинг руҳи поклари Муҳаммад Мустафонинг ҳимояларида бўлгай, омин, раббил оламин.

**М. ХУДОЙҚУЛОВ.**

## ЁШ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР МАРШИ

*Шаҳдам*
*Бизнинг саф соғломлик мактаби,*
*Довюрак ёшларнинг кенг сафи.*
*Етуклик қудрати барқ урар,*
*Дўстларни мардликка чақирар.*
*Нақорат*
*Эй ўртоқ кел тезроқ, бу сафга,*
*Моҳирлик ботирлик бизларда.*
*Тайёрмиз билимга, меҳнатга,*
*Юраклар тўлиқдир ғайратга.*
*Пўлатдай чиниққан мускуллар,*
*Биз юрсак кўчалар гурсиллар.*
*Нақорат*
*Энг соғлом авлодмиз дунёда,*
*Бизга хос темирдек ирода.*
*Доимо тобланар кучимиз,*
*Юрт учун яшамоқ бурчимиз.*
*Нақорат.*



**Бу қўшиқларни ўрганинг**



## ПАХТАЖОНИМ, ЖОН ПАХТА

**Ватанимга бойликсан,**
**Очилганда ойдексан.**
**Бунча ҳам чиройликсан,**
**Пахтажоним, жон пахта.**

**Нақорат**

**Сен меҳнатим, сен шоним,**
**Гулзоримсан, бўстоним.**
**Борми ўзи саноғинг (жоней)**
**Пахтажоним, жон пахта.**

**Қувонч тўлар дилимда,**
**Куйинг янграр тилимда.**
**Сен совғамсан Ватанга (жоней)**
**Пахтажоним, жон пахта.**

**Нақорат.**



**Хайрулло Иноғомов узоқ йиллардан буён Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон қишлоғидаги 16-мактабда ишлаб келади. Олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси. Шунингдек, газетамизнинг фаол мухбирларидан. Хайрулло ака ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, мактаб ҳаётига оид қизиқарли мақолалар ёзиш билан бирга болаларга аталган шеърларга куй ҳам басталайди.**

**Яқинда Хайрулло ака болалар шоири Пўлат Мўмин шеърига куй басталади. Қуйида ана шу қўшиқни эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.**

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г 0505.
11.000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6